

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 26 февраль • №8 (1340)

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 февраль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг юқори даражадаги сегменти ишида нутқ сўзлади

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш фаолияти бутун дунё бўйлаб инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган БМТ тизимидаги энг нуфузли ҳукуматлараро органлардан бири ҳисобланади. Кенгашга 47 давлат аъзо. Ҳозирги йил октябрь ойида мамлакатимиз 2021-2023 йиллар даврига ушбу тузилма аъзоси этиб илк бор сайланди. Коронавирус пандемияси муносабати билан кенгашнинг навбатдаги йиғилиши Женева шаҳрида видеоанжуман шаклида ўтказилди.

Йиғилиш кун тартибидан инсон ҳуқуқларида риоя этилиши ва уларни ҳимоя қилиш,

жумладан, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни таъминлаш билан боғлиқ энг долзарб масалалар ўрин олди. Тадбирни БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Мишель Бачелет кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг йиғилиш раиси Нажот Шамим Хон қарийб 150 мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари, юқори даражадаги вакиллар қатнашган анжуман иштирокчилари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга сўз берди.



Хурматли раис Нажот Шамим Хон хонимлари!

Хурматли Олий комиссар Мишель Бачелет хонимлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида ушбу учрашувда биринчи марта иштирок этмоқда.

Биз сўнгги йиллар давомида Кенгашга аъзо бўлиш учун бутун масъулиятни англаган ҳолда интилиб келганимизни таъкидламоқчиман.

Демократик ислоҳотларимиз янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган бўлиб, бу ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг **“Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват”** ташаббусини илгари суриш учун Кенгаш аъзолари, барча шерикларимиз билан яқин ҳамкорликни давом эттирмамиз.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва Кенгаш доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари куйидагилардан иборат.

Биринчидан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислоҳотларда энг муҳим ўринда туради.

2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган **“хеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик”** тамойили асосида амалга оширилади. Бу ўринда сўз Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси экспертларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилган

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш тўғрисида бормоқда.

Иккинчидан, биз гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирмамиз.

Жорий йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларнинг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

Учинчидан, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилади.

Яқинда Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги янги қонун кучга кирди. Ўзбекистон Парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиши кутилмоқда.

Биз имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўйбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузишни таклиф этамиз.

Тўртинчидан, аҳолимизнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Жорий йил Ўзбекистонда **“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”**, деб эълон қилинди.

Бу борада биз:
- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;
- БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форуми-

да Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш масаласини киритишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Бешинчидан, биз Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда **мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширдик.** Бу ислоҳотларимизда энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди.

2021 йилда, яъни Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қиламиз.

Олтинчидан, **“Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб биз Олий комиссар бошқармаси билан биргалликда глобал форум ўтказишни таклиф этамиз.**

Ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

Еттинчидан, Бош котиб Антониу Гутерриш Жаноби Олийларининг **фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз.**

Биргина ўтган йилнинг ўзида 50 минг нафар ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди, бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлади.

Хонимлар ва жаноблар!
Биз эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмасдан, бундан буён ҳам **фуқаролик жа-**

мияти институтларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилганмиз.

Шу аснода нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари тўғрисида кодекслар ишлаб чиқилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дин ёки эътиқод эркинлиги, судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиларининг тавсияларини алоҳида эътиборга олганмиз. Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида биз одамнинг кадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз. Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъи назар, улар учун жазо муқаррардир.

Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини ратификация қиламиз.

Мазкур масалалар юзасидан ҳамкорликда ишлаш мақсадида Қийноқлар масаласи бўйича махсус маърузачини Ўзбекистонга таклиф этишга тайёргарлик кўряпмиз.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқ қо-

лади. Шу билан бирга, биз инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимизни яхши тушунамиз ва халқаро ҳамкорларимизнинг қўллаб-қувватлашига умид қиламиз. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Мишель Бачелет хонимларининг юртимизга ташрифини кутиб қоламиз.

Бу борада мандатга эга бўлган барча вакилларнинг Ўзбекистонга ташриф буюришлари учун доимий таклифнома юбориш ҳақида қарорни қабул қиламиз.

Шунингдек, Осиё қитъасининг инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмининг мунтазам фаолият кўрсатадиган платформа – Самарқанд форуми негизида яратиш борасида кўмак беришга тайёремиз.

Хурматли дўстлар!

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллик тарихи инсон ҳуқуқлари универсал қадрият эканини яққол исботлади. Бу устувор тамойилсиз ер юзида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Нутқимнинг якунида шуни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умум эътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради.**

Эътиборингиз учун раҳмат.

www.president.uz

УШБУ СОНДА:

2

ВАКЦИНАЦИЯ ТАДБИРЛАРИ
УЧУН 223 ТА
МАХСУС АВТОМОБИЛ

4

ИЛК МАРОТАБА ЮРАК СОҲАСИДА
МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК
АМАЛИЁТИ ЎТКАЗИЛДИ

8

БУЙРАК КЎЧИРИБ ЎТКАЗИЛГАН
НАМАНГАНЛИК БЕМОР УЙИГА
ЙЎЛ ОЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚАРОРИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА
РАҚАМЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ САМАРАЛИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш ва ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш, бошқарув жараёнидаги ортқча тартиб-тамоийларни қисқартириш, аҳолига хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, тиббиёт ходимларининг иш самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, ушбу йўналишда қабул қилинган рақамли трансформация қилиш дастурларини самарали амалга ошириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат унитар корхонаси негизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигида "IT-Med" масъулияти чекланган жамиятини (кейинги ўринларда – "IT-Med" МЧЖ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, "IT-Med" МЧЖ "Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" ДУКнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. "IT-Med" МЧЖ зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

соғлиқни сақлаш тизими ва ташкилотларидаги жараёнларни оптималлаштириш, рационаллаштириш, стандартлаштириш ва автоматлаштириш;

соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот тизимларини ривожлантириш учун амалга

ошириладиган ҳамда халқаро молия ташкилотлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий параметрлари, концепциялари ҳамда бошқа лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

тиббиёт ва фармацевтика соҳасида ахборот технологияси ва коммуникациялари сифати ва стандартларини жорий этиш;

"Электрон соғлиқни сақлаш" ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш ва кузатиб бориш, шунингдек, уларнинг бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш;

соғлиқни сақлаш тизимида бизнес жараён ва IT-реинжинирингини ривожлантириш ва ушбу йўналишда халқаро тажрибани амалиётга татиқ этиш;

қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида инвесторлар, бизнес ҳамкорлар ва аутсорсинг хизматларини жалб қилиш;

тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўламини кенгайтириш мақсадида жорий этилаётган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ўзида қамраб олувчи соғлиқни сақлашнинг ахборот тизими ягона платформаси (кейинги ўринларда – Ягона платформа)ни жорий этиш.

Бунда, "IT-Med" МЧЖ муштақил равишда ҳужалик ва молиявий масалаларни ҳал қилиши инobatга олинсин.

3. Қуйидагилар "IT-Med" МЧЖнинг фаолиятини асосий молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

янги ахборот тизимларини жорий қилиш, шунингдек, корхона, муассаса ва ташкилотларга хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

"IT-Med" МЧЖнинг устав жамғармасига белгиланган тартибда киритиладиган инвесторлар маблағлари;

халқаро молия институтлари ва ташкилотлари грантлари;

ташқи беғараз кўмак маблағлари (грантлар, техник кўмаклар ва бошқалар);

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан норезидентларнинг хайрия маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. "IT-Med" МЧЖга:

соғлиқни сақлаш соҳасида ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини яратиш, ривожлантириш, жорий қилиш, кузатиш ва хизмат кўрсатиш вазифаларини тегишли ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширишга;

малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича шартнома асосида молиялаштириладиган вақтинчалик меҳнат жамоасини шакллантиришга;

юкланган вазифаларни амалга ошириш доирасида малакали мутахассисларни, шу жумладан чет эллик мутахассислар-

ни маслаҳатчи сифатида тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб қилишга рухсат берилсин.

5. Белгилансинки: 2024 йил 1 январдан бошлаб республикадаги барча тиббиёт ва фармацевтика ташкилотлари, шу жумладан дорихоналар мажбурий тартибда бошқичма-бошқич Ягона платформага уланади;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш мажбурий тарзда "IT-Med" МЧЖ билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари А.А. Азизов:

соғлиқни сақлаш тизими Ягона платформани ўз вақтида, тўлақонли ва сифатли жорий қилиш, масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар билан жорий этилаётган лойиҳаларни мувофиқлаштириш, амалга оширилган ишлар ҳолатини баҳолаш ҳамда мунтазам равишда соғлиқни сақлаш ва бошқа тизимлардаги раҳбар ва улар ўринбосарларининг ҳисоботларини эшитишни ташкил этсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг рақамлаштирилишига инвесторларни жалб қилсин;

2023 йил 1 январга қадар аҳоли ва тизим фойдаланувчилари томонидан интерактив тиб-

бий хизматларни олиш имконини берувчи махсус дастур ва мобил иловаларни ишлаб чиқсин ва ишга туширсин.

Ушбу бандда назарда тутилган вазифаларни тўлақонли ва самарали амалга ошириш соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.А. Азизов иш фаолияти натижадорлигининг асосий мезонларидан (KPI) бири этиб белгилансин.

7. "IT-Med" МЧЖ Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 4-уй манзилида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдуваҳитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 23 февраль

ВАКЦИНАЦИЯ ТАДБИРЛАРИ УЧУН 223 ТА МАХСУС АВТОМОБИЛ

Сўнги вақтда жаҳонда коронавирус инфекциясининг янги штамми тарқалиши муносабати билан аҳолини эмлаш бўйича чора-тадбирлар сезиларли даражада жадаллашди.



Соғлиқни сақлаш вазирлиги БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) билан Ўзбекистонда Миллий иммунизация дастурини амалга ошириш борасида доимий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб бормоқда.

Мамлакатимиз COVID-19га қарши эмлашни амалга оширишга тайёргарлик кўраётгани сабабли, бугун ЮНИСЕФ пойтахтимиздаги "Миллий" стадионида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати учун 17 та музлаткичли юк машинаси ва

206 та Miniven-Labo автомобилларини топширди.

Шу муносабат билан ўтган тантанали маросимда Бош вазир ўринбосари Б. Мусаев, Соғлиқни сақлаш вазири А. Хаджибаев, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари М. Мамедзаде ва бошқа масъуллар иштирок этишди.

Тақдим этилган транспорт воситаларининг умумий қиймати 2 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу маблағ Вакциналар ва иммунизация бўйича глобал альянси (ГАВИ) томонидан

соғлиқни сақлаш тизимини мукамаллаштириш доирасида ажратилди.

— Олдимизда катта масъулиятли вазифа турибди. У ҳам бўлса, аҳолининг тегишли қатламлари коронавирус касаллигига қарши эмлаш, — деди Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев. — Вакцинация борасида етарли тажрибага эга бўлсак-да, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларга коронавирус инфекциясига қарши эмлаш кунла-

эмлаш тадбирларига жалб этилган тиббиёт ходимларининг малакасини оширдик, уларга маслаҳат, амалий-услубий ёрдам кўрсатиш ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда. Ўйлайманки, ҳозирда бу борада яратилаётган қўшимча имкониятлар албатта ўз самарасини беради ва ушбу синовли кунлардан биз мардондор ўтамиз ҳамда олдимизга қўйилган – коронавирус пандемиясини енгишдек мураккаб вазифани ёруғ юз билан адо этамиз.

Бунинг учун махсус автомобилларнинг топширилиши эса совуқлик занжири ва логистика инфраструктурасини янада мустаҳкамлаш ҳамда вакциналарни мамлакат бўйлаб хавфсиз ва тезкор ташишга ҳисса қўшади.

Шунингдек, COVID-19га қарши вакциналарни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш жадал олиб борилаётган ҳозирги даврда уларни адолатли тақсимлаш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилди.

— Ҳеч кимни четда қолдирмасдан COVID-19га қарши эмлашни адолатли ўтказишга тайёргарлик кетаётган вақтда Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бу йўналишда ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз, — деди ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамедзаде. — Ишончим комилки, ушбу ҳамкорлик барча ҳудудларда аҳолини вакцинация ишлари билан тўлиқ қамраб олиш сари яна бир қадам бўлади. Бундан аввал Ўзбекистонда иммунизация тадбирлари учун совуқлик занжири иншоотлари ва қурилмалари барпо этишда ҳамкорлик қилган эдик.

Ибодат СОАТОВА.



рини ўтказиш бўйича тайёргарлик тадбирларида амалий-услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида мутахассислар бириктирдик,


Тадбирга сўзга чиққанларнинг таъкидлашича, вакциналарни маълум бир ҳароратни сақланган ҳолда ташиш жуда муҳим.

Парламент эшитуви

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА?

2021 йил 22 февраль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан парламент эшитуви ўтказилди. Унда депутатлар Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Б. Юсупалиевнинг ҳамда инновацион ривожланиш вазири И. Абдураҳмонов-

нинг “Ўзбекистон Республикасида коронавирус пандемияси даврида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шу жумладан, аҳолини коронавирусга қарши эмлаш борасида режалаштирилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитдилар.



Қайд этилганидек, мамлакатимизда ўтган даврда коронавирус пандемияси салбий оқибатларининг олдини олиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Президентимиз томонидан сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, айниқса, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилди. Бутун дунёда 2020 йилда бошланган коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини бартараф этиш, кассаллик тарқалишини олдини олиш, коронавирус билан касалланганларни даъволашни самарали йўлга қўйиш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан ўз вақтида қабул қилинган қатор фармон ва қарорлари асосида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, коронавирус пандемиясига қарши курашиш ишларини молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, 2020 йил давомида қарийб 13 трлн. сўм маблағ йўналтирилди.

Коронавирус инфекцияси билан боғлиқ эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида пандемиянинг эрта босқичларида республика бўйлаб кучайтирилган карантин чекловлари жорий этилди, таълим муассасалари ва кўплаб ташкилотлар фаолияти масофавий тарзда олиб борилди, халқаро ҳамда маҳаллий авиа ва темир йўл қатновлари фаолияти тўхтатилди, санитар-карантин пунктлари фаолияти кучайтирилди ҳамда ҳудудларда мослаштирилган карантин зоналари ташкил этилди ва хорждаги фуқароларимиз чартер рейслар билан мамлакатимизга олиб келиниб, карантин зоналарида карантинга олинди.

Шу билан бир қаторда, Тош-

кент вилоятида 20 минг ўринли, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида жами 7 085 ўринли карантин муассасалари ҳамда Тошкент вилояти Зангиота туманида 4000 ўринли махсус шифохоналар қурилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, бундай махсус шифохоналар Нукус, Самарқанд шаҳарлари ҳамда Термиз ва Поп туманларида ҳам барпо этилди. Шу билан бирга, қурилиш-таъмирлаш ишларига 1,2 трлн. сўм, тиббиёт ва бошқа ходимларни қўшимча рағбатлантириш тўловларига 2,2 триллион сўм, дори ва гигиена воситалари, озиқ-овқат, тиббий техника ва бошқа воситаларни сотиб олиш каби тадбирларга 1,3 трлн. сўм маблағлар сарфланди.

Бу каби узоқни кўзлаб кўрилган тезкор чоралар, давлат раҳбари даражасида қаратилган эътибор самараси ўлароқ, дунё мамлакатлари орасида юртимиз пандемия даврини катта қийинчиликсиз ва ижтимоий-иқтисодий йўқотишларсиз ўтказди. Жумладан, дунёнинг 221 та мамлакатлари орасида Ўзбекистон 1 млн. аҳолига нисбатан коронавирус билан касалланиш кўрсаткичи бўйича 137-ўринни, COVID-19 дан ўлим ҳолати бўйича 159-ўринни эгаллаб, ҳозирги вақтда умумий аҳоли сонига нисбатан COVID-19 фаол босқичда бўлган беморлар 0,002 фоизни ташкил этмоқда.

Парламент эшитуви давомида қайд этилганидек, коронавирусга қарши курашиш соҳасидаги тиббий илмий-излашлар натижаларига ва олимларнинг фикрига кўра аҳолини коронавирუსга қарши оммавий эмлаш инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда пандемияни жоловланишнинг энг самарали усули ҳисобланади. Жорий йилда ҳам коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш долзарб аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, ўтган йили Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қабул қилинган “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунга

асосан 2021 йилда коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва вакцина сотиб олиш учун 3 триллион сўм бюджет маблағлари ажратилиши кўзда тутилган.

Тадбир давомида Давлат бюджетининг 2020 йилнинг 9 ойи ижроси ҳисоботи материалларига кўра, ўтказилган давлат молиявий назорат тадбирларида 129,1 млрд. сўмлик ноқонуний харажатлар, жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 22 млрд. сўм миқдорида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган ва бу каби салбий ҳолатлар доимий кузатилаётганлигидан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш соҳасидаги дастурларни молиялаштиришда, жумладан, коронавирус пандемиясига қарши курашиш учун ажратилаётган катта миқдордаги бюджет маблағларнинг қонуний сарфлашни таъминлаш, ушбу маблағларни ноқонуний ўзлаштирилишини олдини олиш бўйича ваколатли давлат органлари томонидан таъсирчан чоралар қўрилиши лозимлиги депутатлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Ийгилишда бугунги кунда мамлакатимизда аҳолини коронавирүсга қарши эмлаш тадбирларини самарали ташкил этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилаётганлиги, хусусан, аҳолини оммавий эмлаш мақсадида дунёнинг 13 та фармацевтика компанияси ҳамда илмий-тадқиқот марказлари билан коронавирүсга қарши вакциналарни тезкор етказиб бериш юзасидан музокаралар олиб борилаётганлиги айтиб ўтилди. Жумладан, амалга оширилган ҳамкорлик натижаларидан келиб чиқиб, Хитойнинг “Zhifei Longcom Biopharmaceutical Co.,Ltd” компанияси коронавирүсга қарши вакцинани яратишда Ўзбекистоннинг “ZF 2001” вакцинасини бирга яратган ҳаммуаллиф давлат сифатида белгилангани ҳамда ушбу янги вакцинани “ZF-UZ-VAC 2001” номи билан биргаликда ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш келишилгани маълум қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси GAVI (Вакциналар ва иммунизация бўйича глобал альянс) ташкилоти COVAX (коронавирүсга қарши

эмлаш механизми) фондига аъзо давлатлар қаторига киради. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан COVAX фонди ҳисобидан мамлакатимиз аҳолисини коронавирүсга қарши эмлаш бўйича етарли миқдорда вакцина етказиб бериш юзасидан буюртма тайёрланиб, GAVI ташкилотига тақдим этилганлиги қайд этиб ўтилди.

Мамлакатимизда коронавирүс инфекциясига қарши эмлаш ишларига тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгилаб олинган ҳамда халқаро тажрибадан келиб чиқиб, хавф гуруҳига кирувчи шахсларни биринчи навбатда эмлаш назарда тутилмоқда. Шунингдек, эмланиши лозим бўлган шахсларнинг электрон рўйхатини шакллантириш, 3 138 та эмлаш пункти, 862 та ҳаракатдаги ва мобиль бригадалар фаолиятини йўлга қўйиш, мавжуд 1 та марказий, 14 та ҳудудий ҳамда 206 та туман (шаҳар) вакцина сақлаш омборхоналарини, улардаги 457 та совутич, 148 та электр генератор, 121 та термосумка ва термоконтейнерни шай ҳолатига келтириш ишлари олиб борилмоқда.

Аҳолини эмлаш тадбирларига жалб этиладиган тиббиёт ва бошқа ходимлар жорий йилнинг февраль ойи якунига қадар коронавирүсга қарши эмлаш масалалари бўйича қайта ва тўлиқ тайёргарликдан ўтказиш режалаштирилган. Коронавирүс пандемиясига қарши курашиш жараёни мамлакатимиз, халқимиз хаёти учун энг муҳим ва долзарб масалалардан бири эканлигидан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Коронавирүсга қарши эмлаш, жумладан, вакцинация жараёнининг ихтиёрийлиги, биринчи навбатда эмланиши назарда тутилмаган аҳоли тоифаларини эмлаш, вакцинация натижасида рўй бериши мумкин бўлган сал-

бий оқибатлар каби масалалар билан боғлиқ ҳолатларни қонуний ҳал этиш учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Парламент эшитувида халқ вакиллари кекса ва нурунийлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож, яъни “Темир дафтар”га киритилган ва ногиронлиги ҳамда сурункали касалликлари бўлган шахслар, тиббиёт ходимлари, мактаб ўқитувчилари, мактабгача таълим ташкилотлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини биринчи навбатда эмлаш ишларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, деган таклифни илгари сурдилар.

Депутатлар таъкидлаганидек, айни кунларда коронавирүсга қарши биринчи навбатда вакцина олувчилар рўйхатида журналистлар, блогерлар ва оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоат транспорти ходимлари, шунингдек чет давлатларда таҳсил олувчи талабалар ва меҳнат мигрантлари ҳам киритилганлиги ижтимоий тармоқларда қизғин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур рўйхатни адолатли тарзда қайта кўриб чиқишни тақоза қилмоқда. Мазкур масала юзасидан халқ вакиллари томонидан Ҳуқуқатга бир қатор таклифлар берилди.

Қизғин баҳс-мунозаралар тарзида ўтган парламент эшитувида депутатлар кун тартибидеги масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

Халқ вакилларининг ҳудудлардаги фаолияти доирасида коронавирүсга қарши эмлаш ишларининг ташкил қилиниш жараёنлари устидан ҳам таъсирчан парламент назорати ўрнатилиши айтиб ўтилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН ВАКЦИНАЦИЯ БҲЙИЧА ҚАЙСИ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ?

Ўзбекистонда иммунизация ва вакцинация тадбирлари кеча ёки бугун бошланган эмас. Бу борада мамлакатимизда бир неча йиллик тажриба шаклланган. Бу жараёнлар эмлаш ва иммунизация бўйича халқаро тузилма — ГАВИнинг махсус лойиҳалари доирасида, шунингдек, ЮНИСЕФ ва ЖССТ ташкилотлари кўмагида амалга ошириб келинмоқда. Шу тариқа 2017 йилдан 2021 йилгача бўлган муддатда 17,2 млн АҚШ доллар миқдорида маблағ ажратилган.

Ушбу маблағлар юртимизда вакциналарни сифатли сақлаш учун зарур бўладиган совуқлик занжири тизимини яратиш, уни мустаҳкамлаш, модернизация қилиш, ходимлар салоҳиятини ошириш, бошқарувни яхшилаш ва иммунизация тизимида

вакциналар логистикасини йўлга қўйиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш устидан ахборот-коммуникация технологияларини жалб қилиш орқали сифат, миқдор, қолдиқ ва эҳтиёжнинг қондирилиш даражаси устидан мониторинг олиб бориш мақсадла-

рига қаратилган.

ЮНИСЕФ болалар жамғармаси томонидан ўтган йиллар давомида жами 21 та вакцина сақлаш омборлари, жумладан, 1 та миллий, 14 та минтақавий ва 6 та туман омборлари қурилиши қўллаб-қувватланди.



Сирдарё вилояти

ИЛК МАРОТАБА ЮРАКДА МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ЎТКАЗИЛДИ

Сирдарёлик тиббиёт ходимлар “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда вилоят аҳолисини соғлом ва бахтиёр турмуш кечирishiда муҳим ўрин тутувчи саломатлигини асраш борасида аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди ва ҳаётга татбиқ этиш ишларини бошлаб юборишди.



ларимиз Тошкентга ёки хорижий мамлакатларга боришига тўғри келарди. Бу эса оила бюджети-га катта тасир қиларди. Ана шу муаммоларни, турли туман овозгарчиликларини олдини олиш мақсадида вилоят кардиология диспансерида илк мартаба юрак қон-томир касалликларини юқори технологик ташхислаш ва даволаш усулларини Сирдарёда йўлга қўймоқдамиз.

Сирдарёда 840 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 38599 нафарда юрак қон-томир касалликлари билан боғлиқ муаммолари бор. Шундан 2775 нафарига стационар шайроитда даво муолажалари ўтказилса, 8865 нафар бемор вилоят кардиология диспансери ши-

2017-2018 йилларда инвестиция дастурига киритилиб 8 миллиард 300 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Мазкур диспансерга Хитой, Белгия, Венгрия, Россия, Швейцария, Япония, Германия, АҚШ, Туркия, Италия, Польша каби ривожланган мамлакатлардан янги замонавий аппаратуралар келтирилди.

Бу келтирилган аппаратлар юрак қон-томир касалликларини ташхислаш ва даволашида қонни умумий анализларини аниқлашда, қондан плазмани ажратиш олишда, қондаги газни аниқлашда, ҳаёт учун муҳим бўлган аъзоларни ҳолатини аниқлашда, беморларга сутка давомида дориларни порцияга ажратган ҳолда етказиб беришда муҳим ўрин тутмоқда. Яна бир қивончли томони диспансернинг реабилитация, релаксация, юрак ишемия бўлими, гипертония, сурункали юрак етишмовчилиги бўлимлари сони биттага ошиб эндоваскуляр хирургия бўлими фаолияти йўлга қуйилди.

Муҳими, Сирдарёда юрак қон-томир касалликларини даволаш борасида муҳим қадамлар ташланмоқда. Президентимизнинг ташаббуслари билан вилоят кардиология диспансерида 1 миллион 600 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги 23 турдаги 88 дона замонавий тиббиёт жиҳозлари олиб келиб ўрнатилди. Янги эндоваскуляр хирургия бўлими очилиб, мазкур бўлимга коронарография аппарати олиб келиб ўрнатилди. Ушбу келтирилган аппарат орқали беморларнинг юрак коронар қон томирлари, уйқу артериаллари ва сон артериаларини текширувдан ўтказиш, муҳтож бўлган беморларга стент қуйиш амалиёти Сирдарёда ўтказилган бўлди.

Бугун Сирдарёда ушбу вилоят кардиология диспансерида янги бўлимни очилишига бағишланган муҳим тадбир бўлиб ўтди. Унда Сирдарё вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Равшан Қурбонов, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий марказ бўлим бошлиғи, кардиология йўналишида Сирдарё вилояти бўйича координатори, Тиббиёт фанлари номзоди Нодира Азимова, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий маркази Қарши филиали директори, тиббиёт фанлари доктори Набижон Юлдашев, Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлар доктори Рустам Юлдашев, Мирзаобод туман ҳокими Жонибек Ёриев, вилоятдаги тиббиёт муассасаларнинг бош шифокорлари, кардиологлар, вилоят нурунийлари иштирок этди. Тадбир иштирокчилари янгитдан ташкил этилган бўлимни куздан кечирди. Хориждан келтирилган ва ўрнатилган аппаратларни имкониятлари билан танишиб, бўлим шифокорлари, кардиологларга муваффақият тилашди.

Шундан сўнг янги бўлимда илк мартаба юрак қон-томир касалликлари билан касалланган беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Ушбу беморда ва яна уч нафар беморда коронар қон-томирларига стент қуйиш бўйича мураккаб жарроҳлик амалиёти шу бугуннинг ўзида янги бўлимда ўтказилди. Бу мураккаб жарроҳлик амалиётини Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий маркази Қарши филиали директори, тиббиёт фанлари доктори Набижон Юлдашев, ёш, тажрибали мутахассис Хуршид Жақимовлар ўтказишди.

Жарроҳлик амалиёти муваффақиятли амалга оширилди. Бемор, беморларнинг яқинлари жуда ҳам хурсанд бўлишиб, яратилган бундай шар-шароит, қулайликлар учун Президентимизга ва вилоят ҳокими, тиббиёт ходимларга ўз миннатдорчилигини билдиришди.

Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Ахборот хизмати.

Вилоятда онкология, эндокринология, гинекология соҳалари каби кардиологик хизматни ташкил этиш, аҳолини тиббий ёрдамга муҳтож қатламни аниқлаш ва уларга малакали кардиологик тиббий хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қуйишди.

Бунда уларга Республика кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг малакали мутахассислари билан ҳамкорликни йўлга қўйилгани қўл келди. Улар ёрдами ва маслаҳатлари тўғрисида Сирдарёлик кардиологлар юрак етишмовчилигини замонавий диагностикаси ва даволаш йўллари ҳаётга татбиқ этиш, хавф омилларини коррекция қилиш, юрак қон томир касалликлари билан касалланган беморларда ўлим кўрсаткичларини камайтириш борасида ичил изланишлар бошлаб юборишди.

— Очиғини айтиш керак, сўнгги йилларда юқумли бўлмаган эндокрин беши билан боғлиқ, юрак қон-томир билан боғлиқ касалликлар тобора ёшариб бормоқда, — дейди Сирдарё вилоят кардиология диспансери бош шифокор Шухрат Хусанов. — Касбимиз тақозоси билан вилоятнинг турли ҳудудларида бўламиз. Аҳоли орасида чуқурлаштирилган тиббий текширувларни ўтказамиз. Натига ўша-ўша. Тиббий текширув жараёнларида иштирок этган аҳолини кўпчилигида юқумли



бўлмаган касалликлар кузатилмоқда. Уларга биз зарур тавсияларни берамиз. Аммо улар бунга унчалар ҳам риоя этишавермайди. Шу сабабли эртасига ёки индинига юрак қон-томир касалликларининг хоҳ у, хоҳ бу кўринишида хуруж юзага келгач бизни диспансерга ёки бўлмаса бошқа диспансерга мурожаат қилишди. Муаммо юрак қон-томир касалликлари. Уни олдини олишга ва соғлом ҳаётга қайтаришга ҳаракат қиламиз. Бу эса ортиқча вақт, ортиқча маблағ сарфланишига сабаб бўлади. Тушунаман, кўп ҳолларда эса бу касаллик билан касалланган беморларни коронар қон томирларида жиддий муаммолар юзага келади. Юрак ритмининг мураккаб бузилиши кузатилади. Зарур муолажаларни шу ернинг ўзида ўтказишни иложи бўлмай қолади. Бемор-

фокорлари назоратидан ўтади. Айни чоғда вилоятда 3211 нафардан ортиқ бемор бўлиб улар шу бугунги кунда жарроҳлик амалиётига муҳтож беморлар ҳисобланади. Улар Тошкентга, қолаверса Россия, Ҳиндистон каби хорижий давлатларга бориб юрак қон-томир касалликлари билан боғлиқ мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиб, коронар қон-томирларига стент қуйдириб келишаётган эди. Бундай имконият, бундай мураккаб амалиётни ўтказиш учун зарур бўлган шарт-шароит ҳам, малакали мутахассис, замонавий тиббий жиҳозлар шу бугунги кунгача Сирдарёда йўқ эди. Сирдарё вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев ташаббуси билан Вилоят кардиология диспансери замонавий бинога эга бўлди. Ўтган

БОШ ҲАМШИРАЛАР ЯНГИЧА ТИЗИМ МУҲОКАМАСИДА

Яқинда пойтахтимизда бирламчи тиббиёт тизимидаги янгича тизим ҳомиладор ва туғруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари мажбурий оилаларга бириктирилган алоҳида патронаж ҳамшираси вазифаларига бағишланган ўқув семинар машғулотлари бўлиб ўтди.

Унда БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Европа ва Марказий Осиё минтақавий бюроси раҳбари, тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда ўрта тиббий ходимларнинг малакасини ошириш маркази директори ва Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда фаолият юритадиган бош ҳамширалари иштирок этди.

— Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил 12 ноябрда эълон қилинган “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида

олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2020 йил 10 ноябрдаги “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан аҳолини соғлом турмуш тарзига тарғиб этиш ва уларга бирламчи тиббий хизмат кўрсатишнинг бутунлай янгича тизими жорий этилди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳамширалик иши бўйича бош мутахассиси Рихси Салихаджаева. — Ҳужжатга асосан репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва қўламли

ни янада кенгайтириш, тиббий хизматни самарали йўлга қуйиш, оналар ва болаларга тўғри овқатланиш, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида хонадонларга патронаж ташрифлари сифатини янада такомиллаштирилмоқда.

Ушбу ўзгаришларга ходимларни тайёрлаш мақсадида ЮНИСЕФнинг тавсиялари асосида патронаж ҳамшираларини универсал-прогрессив модель бўйича махсус тайёргарликдан ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш ва патронаж ҳамшираларни ўқитишни ташкил этилапти. Бугун барча ҳудудлардаги бош ҳамшираларга ўқув семинар машғулотлари бўлиб ўтди.

Семинарда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида патронажнинг универсал-прогрессив модели асосида аҳолини тизимли ва мақсадли патронаж билан қамраб олиш бўйича асосий йўналишлар ҳамда патронаж



ҳамшира томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар режаси оилага кенгайтирилган хизмат кўрсатиш ҳақида сўз борди. Шунингдек, бу йўналишда бошқа ташкилот, идоралар билан ҳамкорлик тад-

бирларида оила ва болалар эҳтиёжларига эътиборни қаратиб, уларнинг қизиқишларини унутмаган ҳолда улар билан доимий ишлаш механизминини яратиш борасида фикр алмашилди.

Бош ҳамшираларга турли тақдимот ва видеомаълумотлар орқали бу жараёнда уларнинг зиммасига тушадиган масъулият ва вазифалар тушунтирилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

Онлайн семинар

ТУБЕРКУЛЕЗ: ОСВЕЩЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ В СМИ

Туберкулез – заболевание, которое сопровождает человечество на протяжении всей его истории. Следы переносимого туберкулеза обнаружены в скелете человека, жившего в каменном веке (примерно 5000 лет до н.э.) на территории современной Германии, а также в костях мумифицированных египтян, живших 2000–2750 лет до н.э.



Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр фтизиатрии и пульмонологии (РСНПМЦ ФИП) в рамках Национальной противотуберку-

лезной программы 17-18 февраля провел двухдневный вебинар для журналистов на тему «Повышение уровня осведомленности населения в вопросах туберкулеза: освещение в

СМИ», инициированный проектом USAID по ликвидации туберкулеза в Центральной Азии (ETICA). В работе онлайн-семинара приняли участие представители средств массовой информации пилотных областей Проекта – Ферганской, Сырдарьинской, Джизакской, а также города Ташкента. С интересными презентациями выступили специалисты РСНПМЦ ФИП и Проекта USAID.

О достижениях Узбекистана в области борьбы с туберкулезом и о современных методах лечения рассказала директор Республиканского специализированного научно-практического центра фтизиатрии и пульмонологии, доктор медицинских наук, профессор Наргиза Парпиева. В Узбекистане не осталось устаревших методов лечения туберкулеза. Внедрены самые прогрессивные укороченные курсы лечения. В настоящее время в республике имеется немало учреждений, оснащенных современным диагностическим оборудованием и квалифицированными специалистами

ми в области лечения болезни. Ведется работа по открытию дополнительных филиалов Центра в регионах Узбекистана. Иными словами, в стране будет создана сеть, обеспечивающая доступ к обучению и обмену опытом для принятия коллегиальных решений, способствуя повышению качества и доступности противотуберкулезных мер.

Большой интерес вызвали презентации по ликвидации туберкулеза в Центральной Азии специалистов РСНПМЦ ФИП и Проекта USAID. По оценке Всемирной организации здравоохранения туберкулез является одной из самых распространенных инфекций в мире. Несмотря на то, что он предупредим и излечим, это заболевание считается серьезным вызовом для системы здравоохранения во всем мире. Недостаточная информированность широкой общественности о доступных методах профилактики и лечения является одной из основных причин его распространенности.

Средства массовой информации играют важную роль в противодействии распространению туберкулеза и в содействии формированию в обществе толерантного отношения к людям, пострадавшим от болезни, а также в снижении социальной стигматизации, дискриминации и развенчании ложных стереотипов об этом заболевании.

Во время семинара журналисты получили информацию о борьбе с туберкулезом, обсудили ряд вопросов, связанных с освещением данной темы – важность правильного преподнесения информации, донесения до широкой общественности необходимых сведений о туберкулезе, о социальной ответственности журналиста и этических аспектах при освещении вопросов туберкулеза.

Ибодат СОАТОВА.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Янгиер шахрида АҚШнинг Халқаро тараққийт агентлиги (USAID) томонидан Сирдарё вилоятидаги соғлиқни сақлаш муассасаларига тиббий асбоб-ускуналар топшириш тадбири бўлиб ўтди.



Янгиер шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикасининг силга қарши миллий хизматларини такомиллаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида АҚШнинг Халқаро тараққийт агентлиги (USAID) томонидан Сирдарё вилоятидаги 12 та соғлиқни сақлаш муассасаларига тиббий асбоб-ускуналар

топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда USAIDнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Анна Мельтцер хоним, Сирдарё вилоят ҳокими ўринбосари Д.Мадиримов, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори Н.Парпиева ва Сирдарё вилоят

соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари ҳамда туман, шаҳарлардаги фтизиатрия ва пульмонология шифокорлари иштирок этишди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, АҚШ ҳукумати ва халқаро шерикларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистонда сил касаллиги ва у билан боғлиқ ўлим кўрсаткичларини камайтириш борасида катта ютуқларга эришиб келинмоқда. Бироқ, кўп дори-дармонларга чидамли сил (MDR-TB) турини аниқлаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича маҳаллий ва минтақавий салоҳиятни оширишни устувор мақсадлар сифатида белгилаб қўйилган. Электрон термометрлар, стетоскоплар, тонометрлар, отоскоплар ва бошқа шу каби тиббий ускуналардан иборат бўлган воситалар минтақадаги тиббий ходимларига самарали ва ўз вақтида ёрдам кўрсатишда, тезкор ташхис қўйиш ва сурункали касалликларга чалинган беморларни даволашда кўмак беради. Тадбир давомида USAIDнинг соғлиқни сақлаш бўйича гуруҳ раҳбари, Анна Мельтцер шундай деди "Мазкур тадбир мамлакатда, шу жумладан Сирдарё вилоятида ҳам соғлиқни



сақлаш хизматларини такомиллаштириш бўйича АҚШ ва Ўзбекистон орасида доимий ҳамкорлик ўрнатилганлигини намоён этиди. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз натижасида Ўзбекистон фуқароларининг соғлиғи ва фаровонлигини яхшилашда му-

ваффақиятга албатта эришамиз". АҚШлик ишлаб чиқарувчи "Welch Allyn" томонидан ҳада қилинган тиббий ускуналар USAIDнинг Марказий Осиёда сил касаллигини тугатиш бўйича лойиҳаси ёрдамида етказиб берилди.

Ускуналар Сирдарё вилоятидаги сил касаллиги амбулаторияларига (барча туман, шаҳарларига) Гулистон, Ширин, Янгиер шаҳарларидаги силга қарши диспансерлар ва касалхоналарга ҳамда Сирдарё вилоят сил ва ўпка касалликлари марказларига топширилади.
Янгиер шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати

БЕМОРЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАМОАТЧИЛИК НИГОҲИДА

Фаргона шаҳридаги Азия меҳмонхонасининг конференция залида USAIDнинг Марказий осийда сил касаллигини тугатиш лойиҳа доирасида анжуман ўтказилди, бу ҳақида ташкилотнинг расмий каналида маълум қилинган.



"Сил касаллиги бор шахсларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш" мавзусида ташкил этилган адвокцион ишчи мажлисида тиббиёт ходимлари билан бирга фуқаролик жамияти ташкилотларининг вакиллари ҳам иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ва вилоятларида сил касаллиги бўйича вазият, мавзунинг қонунчилик асослари ва тиббий жиҳатлари, шунингдек, ушбу хасталикни ташхислаш ҳамда даволаш усуллари ҳақида тақдимотлар ўтказилди.

Сил касаллигига чалинган фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда маҳаллий ҳо-



кимликлар ва жамоат ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Давра суҳбати тарзида ўтказилган анжуманда USAID

нинг Марказий Осиёдаги сил касаллигини тугатиш лойиҳаси ходими ва бошқа малакали мутахассислар маъруза қилишди.

✓ Таҳлил ва натижа

ФАОЛИЯТЛАР ЗАМИРИДА ЭЗГУЛИК МУЖАССАМ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг Гемофилия мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси "Анемия ва лейкомия" хайрия жамоат фонди Васийлик кенгаши ва Бошқаруви кўшма ҳисобот мажлиси бўлиб ўтди.



Мажлисни Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Фтизиатрия ва пульмонология кафедраси профессори, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, Фонд таъсисчиси, Васийлик кенгаши раиси Абдулла Убайдуллаев олиб борди. Ушбу йиғилишда Ўзбекистон Республикаси "Анемия ва лейкомия" хайрия жамоат фонди Васийлик кенгаши раиси ўринбосари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Гематология ва трансфузиология кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, Россия ва Нью-Йорк фанлари академиялари академиги, Фонд таъсисчиси Саиджалал Бахрамов, шунингдек, Фонд Бошқаруви ва тафтиш комиссияси аъзолари, фондининг жойлардаги филиаллари директорлари ва кўнгилли-волонтерлар иштирок этди. Кун тартибидан ўрин олган асосий масала бўйича Ўзбекистон Республикаси "Анемия ва лейкомия" хайрия жамоат фонди Бошқаруви раиси Шожалил Шарахмедов фондининг 2020 йилдаги фаолияти, шунингдек, 2018-2020 йилларда амалга оширилган тадбирлар тўғрисида ҳамда фондининг келгусидаги режалари тўғрисида ҳисобот берди. Бошқаруви раиси ўтган 2020 йилда фондининг иш режасига киритилган 15 банддан иборат тадбирлар тўлиқ амалга оширилганлиги, Фонд фаолиятига юридик ва жисмоний шахслардан иборат ҳомийларнинг кенг жалб этиш бўйича режалар ишлар олиб борилиши натижасида ҳамда 22 та юридик ва жисмоний шахслардан иборат ҳомийлар ҳисобидан 198,82 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами жалб этилганлиги

хусусида ахборот берди. Ушбу ҳомийлик ёрдмининг 173,4 миллион сўми пул маблағларини, 22,1 миллион сўми дори-дармон ва тиббиёт маҳсулотларини, 3,4 миллион сўми эса бошқа маҳсулотларни ташкил этади.

Фондининг уч йиллик фаолиятида эса, яъни 2018-2020 йиллар давомида жалб этилган ҳомийлик ёрдмининг жами миқдори 885,9 миллион сўмни ташкил қилди.

Шу билан бирга, беморларга кўрсатилган моддий ёрдамларда республикамизда фаолият олиб бораётган корхона ва муассасалардан ташқари, саховатпеша инсонларнинг ҳам ўрни беқиёслиги, улар туфайли Фонд томонидан кўрсатилаётган моддий-маънавий кўмаклар тури ва ҳажми кўпайиб, қон касаллиги билан хасталанган кам даромадли, ижтимоий ҳимояга муҳтож беморлар, турли тоифадаги ногиронлар, айниқса, болаларни янада кўпроқ қамраб олишга эришилаётганлиги алоҳида эътироф этилди. Ҳисобот йили давомида Фонд томонидан 283,7 миллион сўмдан зиёдроқ ҳомийлик ёрдамлари амалга оширилди. Шундан: 119,0 миллион сўм пул маблағлари, 151,3 миллион сўм дори-дармон ва тиббиёт маҳсулотлари, 13,4 миллион сўм бошқа маҳсулотлар учун сарф қилинди.

Уч йиллик фаолият даврида (2018-2020 й.) жами 826,4 миллион сўмлик ҳомийлик амалга оширилди. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасида доволанаётган беморлар учун 105,47 миллион сўмдан зиёд миқдорда дори-дармонлар, 2,4 миллион сўмлик тиббий жиҳоз, 4,52 миллион сўмлик янги йил совғалари

етказилди. Бундан ташқари, саховатли инсонлар томонидан ажратилган жами 105,9 миллион сўм маблағ клиникада доволанаётган эҳтиёжманд беморларга тарқатиб берилди. Шу билан бирга, гематология марказининг жонкуяр ходимларини рағбатлантириш мақсадида 4,0 миллион сўмлик 40 дона иссиқ тиббиёт халати, 1,43 миллион сўмлик бошқа совғалар тақдим этилди. Ҳисобот даврида марказ клиникасига жами 223,72 миллион сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдами амалга оширилди.

Шу ҳам таъкидландики, фондга яқка тартибда моддий ёрдам сўраб ариза билан мурожаат қилган беморларга ҳам имкон даражасида амалий ёрдам бериб келинди. Шундай аризалар билан ҳисобот даврида мурожаат этган қон касалликлари ва бошқа хасталиклар билан азият чекаётган кам таъминланган муҳтожларнинг 6 нафарига 6,7 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, 2019 йилда мурожаат этган кам таъминланган муҳтожларнинг 49 нафарига 29,8 миллион сўм, 2018 йилда 23 нафар мурожаатчига 13,1 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам берилди.

2018-2020 йиллар давомида 80 нафар муҳтож беморга жами 49,5 миллион сўмдан зиёдроқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Бугунги кунда Фондининг Устав вазифаларини амалга ошириш мақсадида республикамиз вилоятларида 12 та филиал фаолият олиб бормоқда. 2016 йили 3 та филиал ташкил этилган бўлса, 2017 йили 1 та филиал, 2018 йилда эса 8 та ҳудудий филиаллар давлат рўйхатидан ўтган. Мазкур филиаллар билан мунтазам равишда мулоқот қилиниб, олиб бориладиган ишлар мувофиқлаштириб борилмоқда. Уларни бошланғич ишларини йўлга қўйиб олиши ва кўникма ҳосил қилиши учун ўтган 2019 йили Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Сирдарё вилоят, шунингдек, Қорақалпоғистон филиалларига хизмат сафарлари амалга оширилди.

Филиалларни қўллаб-қувватлаш, улар орқали жойлардаги ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролар қатламини қамраб олиш мақсадида ҳисобот даврида фондининг Қорақалпоғистон филиалига 4,7 миллион сўмлик, Навоий вилоят филиалига 3,9 миллион сўмлик, Сурхондарё вилоят филиалига 3,4 миллион сўмлик, Тошкент шаҳар филиалига 1,5 миллион сўмлик, Қашқадарё вилоят филиалига 21,2 миллион сўмлик, Наманган вилоят филиалига 500,0 минг

сўмлик, Сирдарё вилоят филиалига 2,6 миллион сўмлик, Тошкент вилоят филиалига 500,0 минг сўмлик, Бухоро вилоят филиалига 3,3 миллион сўмлик, Хоразм вилоят филиалига 3,2 миллион сўмлик, Самарқанд вилоят

дарё, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари соғлиқни сақлаш бош бошқармалари билан ҳамкорлик қилди.

Шу билан бирга, "Анемия ва лейкомия" хайрия жамоат



филиалига 1,0 миллион сўмлик, Андижон вилоят филиалига 3,2 миллион сўмлик ёрдам турлари кўрсатилди.

Фонд фаолиятида волонтерлар ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Ташкил этилган кўнгилли-волонтерлар институти фаолиятини давом эттириб, уларнинг тизимли ва самарали иш олиб бориши, шунингдек, мувофиқлаштириш мақсадида волонтерлар раҳбари ҳам тайинланган. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган волонтерлар Фонд фаолиятини янада ривожланишига ўзларининг улушини қўшиб келмоқдалар. Улар турли хил мутахассисликка эга шахслар бўлиб, асосий иш жойларидаги вазифаларини тўлиқ бажарган ҳолда Фонд ишларида ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ана шундай ноёб институтни ташкил этиш натажасида юртимизда жамиятга ёрдам кўрсатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий масъулият, бирдамлик, ўзаро ёрдам бериш ва раҳм-шафқат туйғуларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Волонтерлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганлиги, шунингдек, фондининг волонтер (кўнгилли) лар фаолияти Низомини ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги эътироф этилди.

Фонд ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон Республикаси Гематологлари ва трансфузиология ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сир-

дарё, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари соғлиқни сақлаш бош бошқармалари билан ҳамкорлик қилди. Шу билан бирга, "Анемия ва лейкомия" хайрия жамоат фонди АҚШнинг Ўзбекистондаги "ABBOTT LABORATORIES" компанияси ваколатхонаси билан моддий ёрдам турларини кўрсатиш борасида шартнома имзолади. Унга кўра, 2019 йил якунида улар томонидан 105,0 миллион сўмлик ҳомийлик маблағлари Фонд ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Ушбу маблағлар 2020 йили ўта муҳтож беморлар учун дори воситаларни (Релаб, Рели граст) хариди учун манзилли сарфланди.

Ҳисобот мажлисида Ўзбекистон Республикаси "Анемия ва лейкомия" хайрия жамоат фондининг 2020 йилдаги молиявий ахволи ва тушумлар, сарф ҳаражатлар сметасининг ижроси, Фондининг 2021 йил учун сарф харажатлар сметасини тасдиқлаш, 2020 йил чора-тадбирлар режасининг бажарилиши ва 2021 йилга мўлжалланган режалар кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Бундан ташқари, йиғилишда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди. Фонд Бошқаруви раиси лавозимига Шожалил Шарахмедов, Васийлик кенгаши аъзоси этиб, Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори Азиза Махмудова сайландилар.

Юқоридаги ахборот ва тақлифларни инобатга олиб, Фонд Васийлик кенгаши ва Бошқарувининг кўшма мажлисининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Мухторжон РЎЗИЕВ,
Бошқаруви раисининг
биринчи ўринбосари.

ФАРҒОНАДА ХАЛҚАРО ЭНДОКРИНОЛОГИЯ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Фарғона вилояти ҳокимлиги, Фарғона соғлиқни сақлаш тиббиёт институти, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, "ASL PHARMA" МЧЖ ҳамда Ҳиндистоннинг "VGLOBAL" компанияси раҳбарлари ўртасида халқаро ҳамкорлик ҳақида меморандум имзоланди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга кўра Фарғонада замонавий эндокринология марказини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Фарғона вилояти ҳокимлигида Ҳиндистонлик ҳамкорлар билан учрашув ўтказилиб, марказни ташкил этиш бўй-

ича амалга ошириладиган барча ишлар, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари келишиб олинди. Давлат хусусий шериклиги асосида ташкил қилинадиган янги марказ учун Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бино ажратиб беради. Ҳин-

дистонлик ҳамкорлар эса марказни барча тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлайди. Шунингдек, малакали хориз мутахассислари ҳам ишга жалб этилади. Бундан ташқари, меморандумда Ҳиндистон компанияси иштирокида Фарғонада клиник лаборатория очиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Ахборот хизмати.



МИЛЛИЙ ПАЛАТА ВА JICA ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ва JICA (Япония)нинг юртимиздаги Вакиллиги ўртасида бўлиб ўтган учрашуви давомида ҳамкорликнинг японча рақамли тиббиёт, Кун чиқар мамлакати даволаш тажрибасига асосланган шифохоналар каби ва бошқа йўналишлари муҳокама этилди.

Ўзининг рақамли, жумладан тиббиётдаги лойиҳалари билан машҳур Япония ушбу йўналишнинг Ўзбекистонда ҳам тезроқ ривожланиши учун кўп нарса қила олиши мумкин, — деб таъкидлади 2021 йил 19 февралда Тошкентда бўлиб ўтган музокараларда Миллий палата раиси Ровшан Изамов. Бу тайёр Япония ишланмаларидан тортиб ўзининг самарадорлигини исботлаган софтверга асосланган ҳамкорликдаги ишларгача бўлган ҳар хил шаклдаги қўшма лойиҳалар бўлиши мумкин.

Икки мамлакатнинг яна бошқа умумий тенденциялари сифатида ташхислаш ва даволашда «ишончли тиббиёт»нинг ролини оширишда хизмат қилиши мумкин. Бунга клиник протоколлар асос бўлиб, уларни Ўзбекистонда ишлаб чиқиш Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан биргаликда амалга оширилмоқда. Ишончли тиббиёт

асосидаги клиник протоколлар беморларнинг ташхисланиш ва даволанишини пойтахтда ва ҳудудларда унификациялаш, уларни энг яхши жаҳон амалиётига яқинлаштириш, полипрагмазиясини, яъни кўп миқдорда дори воситаларни белгилаш тенденциясини пасайтириш имконини беради. Ушбу тенденциядан ўзининг даражаси билан танилган мамлакатлар тиббиёти ҳам воз кечяпти.

«Соғлиқни сақлаш тизими мамлакатнинг асосий тармоқларидан бири саналади. Ва албатта, беморларни ташхислаш ва даволаш ишончли тиббиётга асосланган бўлиши керак», — деб таъкидлади Япониянинг халқаро ҳамкорлик Агентлиги (JICA) раҳбари Сугуру Миядзаки.

Томонлар Ўзбекистон ҳудудларида тиббий хизмат даражасини оширишга бўлган доимий эътибор масаласига ёндашув бир хиллигини таъкидлади. Ушбу масалада нафақат тезкор ишланмалар, замонавий клиник

протоколларнинг жорий этилиши роли, шунингдек Оролбўйи, Хоразм вилояти каби ноқулай экологик шароитдаги ҳудудларда замонавий лабораториялар шакллантириш, Ўзбекистон вилоятларида Япония тажрибасига асосланган тиббий клиникалар очиш учун инвестициялар жалб этиш кераклигига эътибор қаратди.

Шунингдек, музокаралар давомида чекка ҳудудлардаги аҳоли яшаш пунктларида мобил тиббий клиникалар тармоғини яратиш орқали замонавий ташхислаш ва аҳолига юқори технологик ёрдам кўрсатиш учун шароитлар яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Ундан ташқари, JICA Япониянинг халқаро ҳамкорлик Агентлиги сифатида кўп йиллар давомида Ўзбекистоннинг ҳудудий тиббий муассасаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлашга кўмаклашиб келяпти. Жумладан, бу Япония ҳукумати томонидан бепул кўмак дастури доирасида ҳам амалга ошириляпти. Бу борада Миллий палата раиси Равшан Изамов таъкидлаганидек, Миллий палата, Японияда ишлаб чиқарилган тиббий техниканинг юқори функционалликни инобатга олган ҳолда, мазкур уску-



нинг ишчи ҳолатида сақланиши, шунингдек, ундан тўлақонли фойдаланиш бўйича тренинглари ўтказиш муҳимлигини яхши тушунади. Бу борада ҳамкорлик қилиш имкониятлари ҳам мавжуд. Албатта, мамлакатнинг ҳар бир вилоятида Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси-

нинг бўлинмалари мавжудлигини инобатга олган ҳолда.

Музокаралар давомида томонлар мазкур масалани муҳокама этди, ҳамда ҳамкорликнинг самарадорлиги юзасидан бошқа фикрлар ҳам таклиф этилди.

Ўзбекистон аҳолисиغا кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириши, мамлакат вилоятлари соғлиқни сақлаш тизимига янги сифат бериши мумкин бўлган бир қатор таклифларнинг батафсил ўрганилиши юзасидан келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси матбуот хизмати



Наманган вилояти

Муҳтарам Президентимизнинг вилоятимизга ташрифларидан сўнг Наманган шаҳридаги «Бунёдкор» маҳалласида кенг кўламда ободонлаштириш ва ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш ишлари олиб борилмоқда. Бинобарин, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш чоралари кўрилмоқда.



Хусусан, бу ердаги 6-оилавий поликлиникасининг «Бустон» филиали ўн икки мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Бугун мазкур муассаса «Усталар», «Саноат», «Боғбон», «Мустақилликнинг 10 йиллиги», «Чорвадор» кўчасида яшовчи аҳоли вакиллари билан гавжум бўлди. Улар чуқурлаштирилган тиббий кўрикка чорланган эдилар.

Вилоят даволаш-профилактика муассасалари ҳамда ихтисослашган марказларнинг малакали мутахассислари, шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасининг тор доирадаги шифокорлари аҳоли саломатлигини тиббий назоратдан ўтказишга келиш-

ди. «Офтольмобил» поликлиника, УЗИ, ЭКГ аппаратлари ва биохимик лаборатория ҳам шу ернинг ўзида ўрнатилди.

Одамлар аввало антропометрия ўлчовларидан ўтказилиб, қўлидаги тиббий картасига маълумотлар киритилгандан сўнггина, бирин кетин шифокорлар қабулига йўл олишди. Уролог, Лор, эндокринолог, акушер-гинеколог, невропатолог, аллерголог, окулист, терапевт ва бошқа мутахассислар зийраклик билан отахону, онахонларни, ёшлар ва болаларни соғлигини текширишди.

УЗИ ва ЭКГ аппаратлари мутахассислари қизғин фаолият олиб боришди. Юрак

қон-томир касаллиги, диабетга мойиллиги борлар, саратон, ошқозон ичак тизими ва бошқа касалликларга чалинган ва гумон қилинганлар диагностик тиббий текширувлардан ўтишлари учун ихтисослаштирилган шифохоналарга йўналтирилди.

Невропатолог Аъзамхўжа Ботировнинг кўригидан ўтаётган Малика Мирбобоеванинг таъкидлашича, унинг кўл-оёғи тез-тез увушади. Боши оғрийдди, асабийликдан қийналади



- Тиббий кўрик оиламиз учун жуда яхши бўлди. Ҳатто қон ва бошқа таҳлилларни топширдик. Шифокорлар керакли тавсиялар айтиб, дори-дармонларни ёзиб беришди, — дейди у.

Белим бот-бот оғрийдди. УЗИ аппаратида тушсам сурункали пиелонефрит хасталигим бор экан. Шифокор муолажалар олиш учун зарур дориларни ёзиб бериб, саломатлигимга асло бефарқ бўлмаслигимни уқтирди - дейди **Ёкутхон Абдурахмонова**.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Улуғбек Ботиров бошчилигидаги тиббий гуруҳ ногиронлиги бор ҳамда тиббий кўмакка муҳтож кексаларнинг хонадонларига

ЭКГ мутахассиси хонадонига тиббий аппарати билан келгандан мамнун бўлди. 73 ёшли отахоннинг юраги ЭКГ қилинди, сатурацияси ўлчанди. Беморда сурункали юрак етишмовчилиги аниқланди. Мутахассиснинг обдон текшируви, анамнези натижасида керакли дори-дармонлар тавсия қилинди.

Албатта, эл соғлиги - юрт бойлиги. Бугунги ўтказилган тадбир бир кунлик эмас. Эртадан эса шифокору ҳамширалардан иборат тиббий бригадалар «Янги Гулистон», «Баҳор», «Гаистон», «Меҳнатобод» ва бошқа кўчаларда хонадонма-хонадон юришади. Сурункали хасталиги борлар, онкологик, диабет, юрак ишемик ва бошқа касалликлар билан оғриганларнинг рўйхатлари шакллантирилади. Уларни соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош мутахассиси Рихси Салихаджаева шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли оилавий поликлиникаларнинг бош врачлари ҳамда бош ҳамшираларига «Бунёдкорлик»ларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида керакли тушунтириш ва кўрсатмаларини бериб, тиббиёт ходимларини эзгу мақсад йўлидаги тадбирларда фаол бўлишга чорлади.

Манзура ЭРГАШЕВА.



2021 ЙИЛДА ЎРТА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

2021 йил 3 февраль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Давлат дастурида қўллаб-қувватлаш қатори тиббиёт тизимида амалга оширилиши мўлжалланган энг муҳим чора-тадбирлар ўрин олган. Давлат дастурига биноан, 2021 йил 1 июлдан бошлаб "ҳамширалик иши" билан мустақил шуғулланиш учун ўрта тиббиёт мутахассисларига ўзини ўзи банд қилиш асосида фаолият олиб боришига рухсат берилган бўлди. Бу, албатта, ўрта

тиббиёт ходимлари учун катта имтиёزلардан бири. Бу амалиёт уларнинг аҳоли саломатлигини оширишдаги масъулиятини оширади ҳамда тиббиёт таълим муассасалари битирувчиларининг

Бир сўз билан айтганда, ўрта тиббиёт кадрларини тайёрлашда бутунлай янги тизим жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

бандлигини таъминлашда қўл келадиган механизмдир. Шунингдек, ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш тизими ҳам янада такомиллаштириладиган бўлди. Хусусан, Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ҳамда тиббиёт коллежлари Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари ҳамда тиббиёт олий таълим муассасалари, бошқа турдаги клиникаларга бириктирилади.



ЎЗБЕКИСТОН ВАКЦИНАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИГА ТАЙЁР (МИ?)

Мамлакатимизда миллий вакцинация жараёنларига тайёргарлик бошланганидан хабарингиз бор. Хўш, вакциналарни сақлаш ва ҳудудларга етказиб бериш учун шароитлар қай даражада?

Бу саволга жавоб олиш учун ССВ Матбуот хизмати Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғининг ўринбосари Нурмат Атабековга мурожаат қилди:

– Ўтган йиллар давомида жами 21 та вакцина сақлаш омборлари, шу жумладан, 1 та миллий, 14 та минтақавий ва 6 та туман омборлари қурилиши қўллаб-қувватланган эди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича 16 та вакцина омбори қуриб битказилиб, 29 та махсус совуткичлар вакцина омборларига ўрнатилди. Қолган 5 та вакцина омборхонаси эса 2021 йилнинг биринчи чораги охиригача қуриб, фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Жорий

йилнинг иккинчи чораги якунига қадар миллий омборхона ҳам қуриб битказилади. Барча омборларга ёнғин хавфсизлиги ва сигнализация тизими ўрнатилган бўлиб, улардаги мавжуд совуқликни таъминлаб бериш тизимлари замонавий генераторлар ва стабилизаторларга уланган. Шунингдек, вакциналарни хавфсиз ва тезкор ташиш учун юртимизга жами 17 та авторефрижиратор, 206 Miniven-Labo автомашиналари келтирилди. Вилоятларга жами 34 та музхона, 10 121 дон

термоконтейнер ва термосумка, 749 та музлаткич, бирламчи даволаш-профилактика муассасаларига 2 мингдан ортик совуткич ўрнатилган. Барча омборлар вакциналарни юклаш-тушириш ускуналари, автокаралар ва махсус кийимлар билан таъминланди. Бундан ташқари, ҳудудларга жами 4000 ҳарорат индикатори ва 5000 музлатиш индикатори тарқатилди, эҳтиёт қисмлари захираси яратилиб, мавжуд омборлар ихтиёрига ўтказилди.

Олиб борилган ана шундай тадбирлар натижасида иммунопрофилактика дастурларининг ўз вақтида, тўлиқ ижро этилиши орқали юртимизда нафақат коронавирус, балки бошқа бошқарилувчи юқумли касалликлар бўйича эпидемик барқарорликка эришилмоқда.



БУЙРАК КЎЧИРИБ ЎТКАЗИЛГАН БЕМОР УЙИГА ЙЎЛ ОЛДИ



"Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!" шиори остида Наманган вилоятида ўтказилган саломатлик акцияси доирасида қўллаб-қувватлаш хайрли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатнинг тиббиёт соҳасидаги энг малакали мутахассислари ҳар бир туманда маҳаллабай тартибда уйма-уй юриб, тиббий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларига жойида малакали тиббий хизмат кўрсатишди ҳамда беморларнинг ҳолатига, касаллик даражасига қараб, тегишли муолажаларни амалга оширишди.

Акция доирасида 3 нафар беморда ноёб буйрак трансплантацияси амалиётлари ўтказилаётгани ҳақида хабар берган эдик.

Бир ҳафта олдин Тўрақўрғон туманида яшовчи 53 ёшли Валижон Исмоиловда буйрак трансплантацияси амалиётини ўтказилди. 26 ёшли Одилжон Исмоилов отасига донорлик қилган.

Жарроҳлик амалиётидан муваффақиятли чиққан ота-бола Исмоиловлар куни кеча Республика шовишинч тиббий ёрдам илмий марказидан ўз уйига йўл олди.

— Жарроҳлик амалиётига бир ҳафта бўлди. Ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. Буйрак кўчириб ўтказилиши ҳақида ўйлаганимизда жуда хавотирга тушган эдик. Аммо биз ўйлаганимиздан енгил ўтди операция. Биз учун куйиниб, саломатлигимизни тиклашга ёрдам берган, бошимизда парвона бўлган, хонадонимизгача бориб ҳолимиздан хабар олган фидойи инсонларга миннатдорчилигимни билдираман, — дейди Валижон Исмоилов.

Шунингдек, буйрак трансплантацияси амалиёти ўтказилиши керак бўлган иккинчи бемор Мас-тура Файзиевада ҳам операция муваффақиятли ўтган.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг
11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома
рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 962 нусха
Буюртма Г - 240

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 3 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Намоз Толипов.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

у семерых сотрудников птицефабрики на юге России, где в декабре 2020 года среди поголовья птиц зарегистрировали вспышки. Все мероприятия по защите людей и животных провели в короткий срок, что позволило остановить распространение инфекции.

"Все люди, все семь человек, о которых я говорю сегодня, чувствуют себя хорошо, клиническое течение у них было очень легким", — добавила Попова.

По ее словам, вирус пока не передается от человека к человеку, но может "научиться" этому после мутации.

"Я хочу сказать, что обнаружение этих изменений, когда вирус еще не обрел свойство передаваться от человека к человеку, дает всем нам, всему миру время подготовиться к возможным изменениям и уже реагировать адекватно и своевременно: и разработать тест-системы, и подготовить вакцинные платформы, прежде чем этот вирус станет более патогенным и более опасным для человека и обретет навык передаваться от человека к человеку", — сказала она.


В этой связи Попова подчеркнула значимость открытия российских ученых.

Алексей ПИМШИН.

Фармакология

УЧЕНЫЕ НАШЛИ СПАСЕНИЕ ОТ БОЛЕЗНИ АЛЬЦГЕЙМЕРА

Институт цитологии РАН (ИЦ РАН, Петербург) опробовал средство, спасающее от гибели нейронов на фоне болезни Альцгеймера. Как показали тесты на грызунах, производное гидрокортизона уменьшало потерю памяти. Комментирует старший научный сотрудник лаборатории защитных механизмов клетки ИЦ РАН Владимир Лазарев: "Вещество даже в низких концентрациях препятствует появлению белковых комплексов, разрушающих клетки головного мозга. При этом препарат не влияет на нормальные функции белков, необходимые для жизнедеятельности клеток."



Сегодня в мировой науке господствует амилоидная гипотеза развития болезни Альцгеймера. Согласно данной концепции, причиной заболевания становится появление в головном мозге пептида бета-амилоида, из которого формируются бляшки, токсичные для нервных клеток. Появление амилоидных структур в мозге человека приводит к гибели нейронов, развиваются когнитивные нарушения, пропадает память.

В нашем исследовании мы впервые в мире обнаружили и доказали, что в процессе гибели нейронов при болезни Альцгеймера активное участие принимает белок ГАФД (глицеральдегидфосфатдегидрогеназа). Этот белок взаимодействует с бета-амилоидом,

формируя крайне токсичные комплексы. Нам удалось определить механизм формирования этих комплексов и подобрать препарат, препятствующий их появлению.

Мы проверили наши предположения на трансгенных мышах с прогрессирующей болезнью Альцгеймера, их лечили с помощью соединения, которое связывает ГАФД. Память у мышей после терапии сохранялась не на идеальном уровне, но лучше, чем у тех, которые не получали терапевтический препарат. Сейчас мы подали заявку на регистрацию патента - применение производных гидрокортизона для лечения болезни Альцгеймера".

MEDDAILY.RU.

рункали кечади ва беморни узок муддатга иш қобилиятининг йўқолишига, ҳаттоки ногиронликка ҳам олиб келиши мумкин. Касалланган майда шохли ҳайвонлардан касаллик кишиларга юқиши юқори ҳисобланади. Бруцеллез касаллигининг яширин даври 3 дан 6 ҳафтагача, баъзан 2 ойгача давом этади.

Келинг, касалликнинг юқиш йўллари ва келтириб чиқарувчи омилларига тўхталиб ўтсак:

-қўй ва эчкилар касаллик манбаи бўлиб, бруцеллез касаллиги микроби ташқи муҳитга сўлак, сут, қон, жинсий аъзолар суюқлиги, плацента ва чала туғилган кўзичоқ ва бузоқ орқали ажралади;

-касаллик асосан хизматчиларга майда шохли ҳайвонларни қўзилатиш, боқиш ва парвариш қилиш пайтида мулоқот йўли орқали;

-ҳайвон маҳсулотлари бўлган хом сут ва чала пиширилган гўштни истеъмол қилиш жараёнида оғиз орқали юқади.

Касаллик аломатлари:

- ҳароратнинг кўтарилиши;
- эт увишиши;
- асабийлашиш;
- уйқусизлик;
- тилнинг қараш билан қопланиши;
- тери ва шиллиқ парда рангининг оқариши;
- ҳаракат ва таянч аъзолар фаолиятининг бузилишлари, бўғимлар ҳаракатининг чекланиши;
- жинсий ва таносил аъзоларда орхит, ҳайз кўришнинг бузилиши, бола тушиши ва муддатидан илгари туғиш.

Профилактик тадбирлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

✓ чорва моллари сақланадиган молхоналарни вақти-вақти билан 10 фоиз хлорли оҳак эритмаси билан зарарсизлантириб туриш;

✓ўлик туғилган ҳайвон боласи ва йўлдоши эҳтиёткорлик билан 2 метр қазилган чуқурга ташланиб, устига хлорли оҳак сегиб кўмиб юборилиши, уларни итлар ва бошқа ҳайвонлар истеъмол қилмаслик;

✓касал ҳайвонлар билан ишловчилар маҳсус кийимлар (комбинзон, резина этик, кўлқоп, халат ва респираторлар) кийиб ишлаш;

✓ҳайвонларнинг жунини олиш жараёнида, молхоналарни тозалаётганда, албатта оғиз ва бурунга 4 қаватли докадан тайёрланган ниқобдан фойдаланиш;

✓болалар, ўсмирлар ва ҳомиладор аёлларни касал ҳайвонлар билан ишлашларига йўл қўймаслик;

✓ветеринария кўригидан ўтмаган молни сўймаслик ва уларнинг маҳсулотларини истеъмол қилмаслик;

✓гўшт ва жигардан тайёрланадиган таомлар, айниқса кабоқларни яхши пиширилишига аҳамият бериш;

✓ белгиланмаган жойларда ёки қўлда сотилаётган сут, хом қаймоқни харид қилмаслик;

✓ доимо шахсий гигиена қоидаларига риоя этиш, айниқса қўл ювиш кўникмаларини шакллантириш керак.

Мана шу оддий қоидаларга амал қилишингиз сиз ва оила аъзоларингизни, айниқса болаларни бруцеллез касаллигидан сақлашини унутманг. Шуни унутмаслик керакки, чорвачиликни талафотдан, инсонларни бруцеллез касаллигидан асрашга барчамиз масъул бўлишимиз лозим.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

СТРЕСС ЛУЧШЕ "ЗАПИВАТЬ", А НЕ "ЗАЕДАТЬ", СОВЕТУЕТ ЭКСПЕРТ

Врач-эндокринолог, к.м.н. Зухра Павлова признает, что многие люди пытаются "заедать стресс". Однако это может быть опасно. "Заедание стресса - это нарушение пищевого поведения, поскольку мы пытаемся компенсировать стрессовые ситуации едой. Даже если вы заедаете полезной едой, то это все равно плохо."

Сам факт заедания стимулирует к приему пищи. Даже если сегодня вы будете заедать стресс полезной едой, то завтра у вас ее может не оказаться под рукой, и вы пойдете за гамбургером или чем-то таким. Заедать не надо, надо запивать. Когда мы запиваем стресс, то мы разрываем логическую цепь, когда мозг в стрессовой ситуации стимулирует надпочечники для выработки гормонов

на стресса, то есть кортизола. Когда мы пьем воду, эта связь прекращается, и гормоны не вырабатываются", - говорит медик.

Эксперт также предлагает бороться со стрессом с помощью физических упражнений, передает. По ее словам, здесь нагрузка выступит в качестве естественной защиты от стресса. Она подчеркивает: "Очень помогает физическая активность. Почему, когда человек нервничает,



он начинает ходить? Это такая защитная реакция, но ее можно простимулировать сознательно. Если поделаться что-то физически, то уменьшается стрессогенность. Следовательно, человек находится в большей безопасности, чем заедая стресс".

Здравоохранение

БЕРЕГИТЕ СЕБЯ И РОДНЫХ

Укрепление здоровья населения является приоритетным направлением государственной политики.

Для достижения этой благородной цели в стране проводятся дни здорового питания, мероприятия под названием «Платформа здоровья», «Голосуем за зону, свободную от табака», «5 тысяч шагов к

здоровой жизни». С начала текущего года в 1050 махаллях Ташкентской области в подобных мероприятиях приняли участие свыше 125 тысяч человек.

Чтобы заняться физическими упражнениями, пройти ком-

плексное обследование многие работники хокимиятов, городские активисты, руководители бюджетных организаций и молодежь регулярно собираются на центральном стадионе города Нурафшон. С них берут пример коллеги из других районов и городов области.

Хамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ.